



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Вилоят ҳокими,
Одам савдосига қарши
курашиш ва муносиб меҳнат
масалалари бўйича ҳудудий
комиссия раиси

Н.Т.Турсунов

**Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича
ҳудудий комиссияси йиғилишининг
Б А Ё Н Н О М А С И**

2025 йил "28" октябрь

Навоий шаҳри

**Раислик
қилувчи:**

Қатнашганлар:

Ж.Б.Ходжаев - вилоят ҳокими ўринбосари,
ҳудудий комиссия раиси ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)
Ф.Ф.Эшматова, вилоят Одам савдосига қарши
курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича
комиссияси ва ишчи гуруҳ аъзолари (*рўйхат
бўйича*)

Шаҳар ва туман ҳокимлари ва комиссия
аъзолари (*видеоконференцалоқа орқали*)

К У Н Т А Р Т И Б И :

**Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари
бўйича Навоий вилояти ҳудудий комиссияси томонидан 2025 йил 9 ой
мобайнида амалга оширилган ишлари ва келгусидаги амалга
оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокамаси.**

(Ж.Ходжаев, Ф.Эшматова, ҳудудий комиссия аъзолари,, Ж.Ходжаев)

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Ж.Ходжаев кириш сўзи билан
очиб, кун тартибидаги масала юзасидан қуйидагиларни маълум қилди.

Жумладан, раислик этувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги "Одам савдосига қарши курашиш ва
муносиб меҳнат тамойилларини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-210-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилоятида “Одам савдосига қарши курашиш ҳамда муносиб меҳнат масалари бўйича кичик комиссия” фаолият олиб бораётганлиги, кичик комиссиялар фаолиятини тартибга солувчи Низом тасдиқланганлиги, шунингдек жойларда ҳудудий комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти учун барча ҳуқуқий асослар яратилганлиги, ҳудудий комиссия ва унинг таркибидаги кичик комиссиялар барча шаҳарлар ва туманлар ҳудудий комиссияларининг ишини тизимли йўлга қўйиш, бу борада ҳудудий давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган қатор чоралар белгилаб олинганлиги, шундай бўлсада, комиссия фаолиятини самарали ташкил этиш учун барча ташкилий масалалар ечиб берилган бўлишига қарамадан, унинг таркибидаги аъзолар ўз хизмат вазифаларини талаб даражасида бажармасликлари оқибатида, вилоятда ҳанузгача айрим салбий ҳолатлар учраб турганлиги маълум қилинди.

Шундан сўнг, сўзга Миллий комиссия аъзоси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Ф.Ф.Эшматова чиқиб, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия йиғилишининг 2025 йил 16 апрелдаги 5-сонли баённомасига асосан Миллий комиссия аъзолари ҳудудларга бириктирилганлиги, жумладан Омбудсман Навоий вилоятига бириктирилганлиги, одам савдосига қарши курашиш бўйича мамлакатимизда муросасиз кураш, шунингдек муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ишчи ходимларни меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилаётганлиги, ўтган давр мобайнида вилоят ҳудудий комиссиясининг 12 маротаба йиғилиши ўтказилиб, комиссия қарорлари ижрога қаратилганлиги, 4 маротаба туман-шаҳарлар ҳудудий комиссиялари фаолияти текширилганлиги, текширув натижалари юзасидан прокуратура томонидан 4 та тақдимнома киритилганлиги, комиссиялар ташаббуси билан аҳоли яшаш жойлари, ўқув муассасалари ва меҳнат жамоаларида 486 маротаба турли кўринишда ҳудудий комиссия таркибидаги ташкилот, идора ва муассасалар ҳамкорлигида тарғибот тадбирлари ўтказилиб, мазкур тадбирларда 7541 нафар фуқаролар иштирок этганлиги, 12 130 та турли кўринишдаги буклет, плакат ва бошқа тарқатма материаллари тарқатилганлиги ҳамда 7 та баннер ўрнатилганлиги, амалга оширилган ишлар 82 маротаба оммавий ахборот воситалари орқали ёритилганлигини маълум қилинди. Шунингдек, Омбудсман сўзи давомида соҳада амалга оширилиши керак бўлган ишлар мавжудлиги, ҳудудий комиссия ва уларнинг аъзолари билан одам савдоси ва муносиб меҳнат масалалари нафақат бир давлат ҳудуди, балки трансмиллий хусусияти ва бошқа комплекс жиҳатларидан келиб чиқиб, бу йўналишга алоҳида эътибор қараташ лозимлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, вилоят ички ишлар, камбағалликни қисқартириш ва бандлик, соғлиқни сақлаш, мактабгача ва мактаб таълим бошқармалари вакиллари, шунингдек Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, “Истиқболли авлод” ижтимоий ахборот маркази Навоий бўлими вакиллари ҳудудий комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот бериб ўтдилар.

Йиғилишда, шунингдек, туман (шаҳар) комиссияларининг таклиф ва мулоҳазалари тингланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни муҳокама қилиб, ҳудудий комиссия,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 20.10.2025 йилдаги 01-07/545-сон хати ижро этилган деб ҳисоблансин.

2. Вилоят ички ишлар (**Тасбаев**), камбағалликни қисқартириш ва бандлик (**Хайруллаев**) бошқармалари ва Омбудсманнинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили (**Джураев**)га мурожаатлар билан ишлашда ҳар бир одам савдоси ҳамда муносиб меҳнат масалалари билан боғлиқ мурожаатларга ҳар томонлама ёндашув билан пухта ўрганилишини йўлга қўйиш топширилсин.

3. Вилояти Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси (**Алиев**), вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси (**Мамадиярова**)га:

маҳаллалар кесимида одам савдосига оид жиноят содир этишга мойиллиги бўлган, ёки унинг таъсирига тушиб қолиши эҳтимоли бўлган шахсларнинг аниқ рўйхатини шакллантириб, улар билан манзилли профилактик ишларни ташкил этиш;

маҳаллалар кесимида хорижий давлатларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетиш мақсадида бўлган шахслар билан профилактик тадбирларни амалга ошириш;

одам савдосига оид жиноят содир этиш ҳамда ушбу жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириб, уларнинг муаммоларини ўрганиб, бартараф этиш чораларини кўриш, манзилли профилактик суҳбатлар ўтказиш ҳамда уларнинг доимий кузатувини амалга ошириш вазифалари топширилсин.

4. Вилоят Ички ишлар (**Тасбаев**), камбағалликни қисқартириш ва бандлик (**Хайруллаев**) бошқармалари, вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши (**Тоғаева**) муқаддам одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этиб, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтган ишсиз фуқароларни биринчи навбатда бандлигини таъминласин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мамадиярова**), ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси (**Алиев**), ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаюмов**)га етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳолатини, муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриш ҳамда вояга етмаган шахсларнинг муаммоларини ҳал этиш, яшаш шароитларини яхшилаш, таълим олишлари ва касб-ҳунар ўрганишлари учун зарурий шарт шароитлар яратилишига эътибор қаратиш ишларини доимий равишда йўлга қўйиш топширилсин.

6. Вилоят ички ишлар (**Тасбаев**), мактабгача ва мактаб таълими (**Хайитова**) бошқармалари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси (**Алиев**), ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаюмов**) ва омбудсманнинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили (**Джурбаев**)га:

ёшлар билан ишларни тизимли йўлга қўйиш, мактабларда кибержиноятлар, одам савдоси, умуман ижтимоий тармоқ ва интернет орқали амалга оширилаётган жиноятлар ва уларнинг турлари, вужудга келиши мумкин хавф-хатарлар тўғрисида тизимли маълумот бериб борилишини йўлга қўйиш;

барча таълим муассасалари раҳбарлари ва бошқарув ходимларини мажбурий меҳнат масалалари юзасидан мавжуд қонунчилик, халқаро стандартлар юзасидан билим ва хабардорлигини ошириш бўйича ишларни тизимли йўлга қўйиш вазифалари топширилсин.

7. Вилоят соғлиқни сақлаш (**Сафоев**), ички ишлар (**Тасбаев**) ва божхона (**Дўстёров**) бошқармалари узоқ муддат чет элда бўлган фуқароларни бирламчи тиббий текширув ўтказиб, тиббий кўрик ва анализлар олинишини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар кўрсин.

8. Рақамлаштириш дискриминациясига йўл қўймаслик ҳамда одам савдоси қарши кураш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича превентив ишларни ташкил қилиш мақсадида:

барча ҳудудий комиссия аъзоларига Одам савдоси ва муносиб меҳнат масалалари бўйича тарғибот ишлари амалга ошириш давомида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

9. Вилоят ички ишлар (**Тасбаев**), камбағалликни қисқартириш ва бандлик (**Хайруллаев**) бошқармалари ҳамда Истиқболли авлод ННТ (**Санақулова**)га:

касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши (**Тоғаева**) билан биргаликда Зарафшон шаҳри “Даугизтов” МФЙда одам савдоси қарши кураш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича тарғибот ташвиқот ишларини амалга ошириш;

омбудсманнинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили (**Джураев**) билан биргаликда Хатирчи тумани “Ангидон” ва “Лангар” МФЙларида одам савдоси қарши кураш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича тарғибот ташвиқот ишларини амалга ошириш.

ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаюмов**) билан биргаликда Учқудуқ тумани “Алтинтов”, “Узунқудуқ”, “Боздун”, “Мингбулоқ”, “Авангард овули” ОФЙларида одам савдоси қарши кураш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича тарғибот ташвиқот ишларини амалга ошириш;

иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) билан биргаликда Нурота тумани “Янгитурмуш”, “Қадоқ”, “Сентоб”, “Темиртовуқ”, “Қизилча”, “Сувлиқ” ва “Каттасой” МФЙларида одам савдоси қарши кураш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича тарғибот ташвиқот ишларини амалга ошириш;

вилоят олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**) билан биргаликда Конимех тумани “Саржал”, “Уштобе” ва “Боймурат” ОФЙларида, “Янгиқазған” ва “Қарақата” ҚФЙларида одам савдоси қарши кураш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича тарғибот ташвиқот ишларини амалга ошириш;

вилоят адлия бошқармаси (**Абдуллаев**) билан биргаликда Томди тумани “Аяққудуқ”, “Керегетов”, “Кориз”, “Сукетти”, “Томдибулоқ” ва “Шиели” ОФЙларида одам савдоси қарши кураш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича тарғибот ташвиқот ишларини амалга ошириш топширилсин.

10. Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия (**Тасбаев**) ҳамда Муносиб меҳнат масалалари бўйича кичик комиссия (**Хайруллаев**):

одам савдоси ва унинг олдини олиш борасида аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилан барча зарурий чора-тадбирларни амалга оширсин;

комиссиялар йиғилишларидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли ўртасида тарғибот тадбирларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилсин ва ойнанинг якуни билан ушбу йўналишда олиб борилган ишлар юзасидан ҳудудий комиссияга ахборот киритсин;

ушбу баёнида белгиланган топшириқларни ўз муддатида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин; ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан **2025 йил 30 декабрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га ҳамда вилоят ҳокимига маълумот тақдим этсин.

11. Ушбу мажлис баёнида белгиланган топшириқлар бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳудудий комиссия раиси ўринбосарлари (Тасбаев, Хайруллаев) ҳамда шаҳар-туман ҳокимлари зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



У.Шарипов